



# MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



## БАНК КРЕДИТЛАРИ ВА ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ

**Қўшбақов Айбек Шовқиевич**

мустақил тадқиқотчи.

**Сабирова Лобар Бахрамовна**

мустақил тадқиқотчи.

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 26.12.2023  
Қабул қилинган вақти: 29.12.2023

Аннотация

Биз илмий мақоламизда банк кредитларининг умумий ҳажмидаги, юридик ва жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ҳажмидаги ўзгаришлар ҳамда кредитлар фоизидаги ўзгаришлар иқтисодиётдаги инфляция даражасига таъсирини ўрганишни мақсад қилдик. Шу билан бирга юқоридаги факторларнинг инфляция таъсири билан бир қаторда инфляциянинг ҳам ушбу факторларга таъсири мавжуд. Таҳлилда VAR модел ишлатилган бўлиб, бунда статистик маълумотлар 2017M1-2023M11 давр оралигини қамраб олган. Модел натижаларига кўра, Модел натижаларига кўра, иқтисодиётдаги инфляция даражасига кредитлар фоизининг таъсири сезиларли бўлмоқда. Шунингдек, инфляция даражаси ўзгаришининг ахоли кредитларига талабига ҳам тескари таъсир қилмоқда. Тижорат банкларининг умумий кредитлари ҳажмининг ўзгариши ҳамда юридик шахсларга ажратилаётган кредитлар ҳажмининг ўзгариши билан инфляция даражаси ўртасидаги боғлиқлик статистик аҳамиятга эга эмаслиги ҳам аниқланди.

## BANK LOANS AND INFLATION

**Aybek Shovkievich Kushbakov**

independent researcher.

**Sabirova Lobar Bakramovna**

independent researcher.

ARTICLE INFO

Received: 26.12.2023

Accepted: 29.12.2023

Abstract

In our scientific article, we aimed to study the effect of changes in the total bank loans, loans allocated to legal entities and individuals, and the loan rates on the inflation in the economy. At the same time, there is an influence of inflation on these factors as well as the effect of inflation on the above factors. The VAR model was used in the analysis, where the statistical data covered the period 2017M1-2023M11. According to the results of the model, the effect of the loan rates on the inflation is significant. Also, the change in the inflation has an adverse effect on the demand for individual loans. It was also determined that the relationship between the change in the total bank loans and the change in the loans allocated to legal entities and the inflation is not statistically significant.

**Key words:** *bank loans, inflation, loans allocated to legal entities, VAR model.*

## Кириш

Мамлакатимизда инфляция даражасининг ошишига бир томонидан ташқи иқтисодиётдаги вазиячтлар таъсир қилаётган бўлса, иккинчи томонидан ички иқтисодиётда аҳоли ялпи талабининг ошиши ҳам таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, мамлакатимизда аҳолининг даромадлари номинал ва реал кўринишда кескин ошган. Статистик маълумотларга кўра, 2016 йилда аҳоли жон бошига умумий даромад номинал кўринишда 6,2 млн.сўмни ва реал кўринишда 5,9 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич мос равища 20,1 млн.сўм ва 18,2 млн.сўмларни ташкил қиласган. Бундан кўришимиз мумкинки, 2016-2023 йилларда аҳолининг реал даромади тўрт бароварга яқин ошган.

Мамлакатимизда инфляция даражасининг ошишига бир томондан аҳолини реал даромадининг ошиши сабаб бўлаётган бўлса, иккинчи томондан банк томонидан уларга тақдим этилаётган кредитлари ҳам сабаб бўлмоқда. Банк кредитлари бир томонидан юридик шахсларга ажратилиши орқали ялпи таклифни оширишга хизмат қиласа, иккинчи томондан аҳолига ажратилиши орқали ялпи талабни оширишга хизмат қиласди. Статистик маълумотлар кўра, 2016 йилда аҳолига жами 7,3 трлн.сўм кредит ажратилган бўлса, 2023 йилда эса аҳолига 148,6 трлн.сўм кредит ажратилган бўлиб, охирги етти йилда ушбу кредитлар 20 баробарга ошган. Шунингдек, 2023 йилда ажратилган кредитлар ўтган йилга нисбатан 22 фоизга ошган бўлса, унинг таркибида аҳолига ажратилган кредитлар 25 фоизга ҳамда юридик шахсларга ажратилган кредитлар эса 12 фоизга ошган. Бундан кўришимиз мумкинки, аҳолига ажратилган кредитлар ошиши кўпроқ бўлиши орқали мамлакатимизда ялпи талабнинг ошишига сабаб бўлмоқда. Бу албатта иқтисодиётда инфляция даражасининг ошишига олиб келмоқда.

Биз илмий ишимида банк кредитларининг умумий ҳажмидаги, юридик ва жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ҳажмидаги ўзгаришлар ҳамда кредитлар фоизидаги ўзгаришлар иқтисодиётдаги инфляция даражасига таъсирини ўрганишни мақсад қиласгандикан. Шу билан бирга юқоридаги факторларнинг инфляция таъсири билан бир қаторда инфляциянинг ҳам ушбу факторларга таъсири мавжуд.

## Адабиётлар шархи

Йигирма биринчи асрнинг бошларидан марказий банклар пул-кредит сиёсатида инфляцияни таргетлаш усули қабул қиласдан сўнг Марказий банклари ўзининг асосий пул-кредит сиёсат инструменти қайтамолиялаш ставкасидан

фаол фойдалана бошлашди. A.Galindo ва R.Steiner<sup>1</sup> каби иқтисодчилар Колумбия иқтисодиёти мисолида марказий банк фоиз ставкасининг бозор фоиз ставкаларга таъсирини Shin, Yo ва Greenwood-Nimmo томонидан ишлаб чиқилган авторегрессив тақсимланган кечикиш (ARDL) ва чизиқли бўлмаган авторегрессив тақсимланган кечикиш (NARDL) методлари ёрдамида текширишган Илмий натижаларига кўра, монетар сиёсат ставкаси банк депозити ва кредити фоизларини аниқлашда асосий рол ўйнайди. Аммо монетар сиёсат ставкасининг банк фоизларига таъсири уларнинг турларига кўра ҳар хил кечиши аниқланган. Хусусан, марказий банк фоизининг тижорат банки кредитлари фоизига таъсири 12 ой давомида сезилиб турган.

J.Rudd фикрича, иқтисодчилар ва иқтисодий сиёсатчилар уй хўжаликлари ва фирмаларнинг келажакдаги инфляцияни кутишлари ҳақиқий инфляциянинг асосий омили эканлигига ишора қиласди. Олимнинг тегишли назарий ва эмпирик таҳлиллари натижаси шуни кўрсатади, аҳолининг инфляцияни кутишлиги юқори бўлган даврда истеъмол кредитларининг ошиб кетишига ва бу иқтисодиётда ҳақиқий инфляцияни келтириб чиқариши аниқланган. Олим ушбу натижаларини олдинги даврда олиб борилган илмий ишлар натижасида курган.<sup>2</sup>

M.Musarat ва бошқаларнинг фикрича, қурилиш саноати ялпи ички маҳсулот ва бошқа тармоқларга қўшган салмоқли ҳиссаси туфайли иқтисодий ўсишда муҳим рол ўйнайди. Мамлакатлар иқтисодиёти инфляция улардан бири бўлган бир қатор ўзгарувчиларга боғлиқ. Инфляциянинг иқтисодий ўсишдаги ўрнини эътибордан четда қолдириб бўлмайди, чунки у ижобий ёки салбий жавоб қайтаради. Уларнинг илмий ишлари инфляциянинг роли ва унинг қурилиш саноатига қандай таъсир қилишини ўрганади. Хулоса қилинишича, аксарият қурилиш лойиҳалари иқтисод ва бюджетлаштиришда инфляция даражаси эътибордан четда қолмоқда, бу эса қурилиш материаллари нархи, меҳнатга ҳақ тўлаш ва техникани ижарага олиш ставкалари ҳар йили ўзгариб бориши сабабли лойиҳа қийматининг ортиб кетишига олиб келади. Бу ҳолат эса ушбу саноат корхоналари томонидан олинган кредитларнинг қайтаришликларида муаммолар келтириб чиқаради. Бундан ташқари, инфляция даражаси ва қурилиш саноати ўртасидаги мустаҳкам алоқани таъкидлайдиган меъёр таклиф қилинган. Ушбу меъёр инфляция даражаси туфайли юзага келадиган лойиҳа харажатларини бартараф этиш учун келажакдаги бюджетни баҳолаш модели учун фойдалидир.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Galindo, A. J., & Steiner, R. (2022). Asymmetric interest rate transmission in an inflation-targeting framework: The case of Colombia. *Latin American Journal of Central Banking*, 3(3), 100069.

<sup>2</sup> Rudd, J. B. (2022). Why do we think that inflation expectations matter for inflation? (and should we?). *Review of Keynesian Economics*, 10(1), 25-45.

<sup>3</sup> Musarat, M. A., Alaloul, W. S., & Liew, M. S. (2021). Impact of inflation rate on construction projects budget: A review. *Ain Shams Engineering Journal*, 12(1), 407-414.

A.Almansour ва бошқалар илмий ишларини инфляция тенденцияларининг Иорданиядаги банк сектори фаолиятига таъсирини ўрганишга қаратган. 2009-2019 йиллар давомида Амман фонд биржасида Иорданиянинг бешта листингли банклари маълумотлари асосида банкнинг самараадорлик кўрсаткичлари ҳисобланган активлар рентабеллиги, инвестициялар рентабеллиги ва соғ фоиз маржасига инфляциянинг таъсирини ўрганишган. Ушбу миқдорий ёндашув бўйича эмпирик стратегиясида инфляциянинг банклар фаолиятига таъсирини ўрганиш учун регрессия таҳлилидан фойдаланишган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатганки, мамлакатда инфляция даражасининг ошишидан қатъи назар банклар фаолияти 2015 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда аста-секин ўсиб борган. Умуман олганда, уларнинг натижаларида инфляция даражаси ва банклар фаолияти ўртасида кучли ва салбий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. Бундан ташқари, натижалар банкларнинг кўрсаткичларига инфляция сезиларли даражада таъсир қилишини кўрсатган.<sup>4</sup> Бизнинг фикримизча, макроиқтисодий омилларнинг банклар фаолиятига таъсирини ўрганиш учун бошқа макроиқтисодий ўзгарувчиларга эътибор беришлари лозим. Хусусан, тадқиқотлар нафақат банк секторини, балки молия


бозорининг бошқа тармоқларини ҳам кўриб чиқиши керак.

## Тадқиқот методологияси

Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, банк кредитлари билан инфляция ўртасидаги боғлиқликни текширишда эконометрик моделлардан ҳам фойдаланилган. Статистик таълимотлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотларидан ташкил топган бўлиб, у 2017M1-2023M11 даврни қамраб олган.

## Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Эмпирик таҳлилларда тижорат банкларининг умумий кредитлари ҳажмининг ўзгариши ( $\text{[LnRLoans]}_t$ ), юридик шахсларга ажратилган кредитлар ҳажмининг ўзгариши ( $\text{[LnRLE]}_t$ ), жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳажмининг ўзгариши ( $\text{[LnRLI]}_t$ ), кредитлар фоизининг ўзгариши ( $\text{[RLRate]}_t$ ) ҳамда иқтисодиётдаги инфляция даражасининг ўзгариши ( $\text{[CPI]}_t$ ) каби кўрсаткичлар танланган. Танланган статистик маълумотлари ойлар кесимида ва ўсишда олинган.



**1-расм. Танланган кўрсаткичларнинг нормал тақсимоти<sup>5</sup>**

<sup>4</sup> ALMANSOUR, A. Y., ALZOUBI, H. M., ALMANSOUR, B. Y., & ALMANSOUR, Y. M. (2021). The effect of inflation on performance: an empirical investigation

on the banking sector in Jordan. *The Journal of Asian Finance, Economics and Business*, 8(6), 97-102.

<sup>5</sup> Танланган статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишланди.

Эконометрик таҳдилнинг дастлабки босқичида бир қатор статистик ҳисоб-китобларни амалга оширилган. Булар, танланган маълумотларнинг тасвирий статистикаси ва бунда асосан маълумотларнинг ўртача кўрсаткичлари, максимал ва минимал кўрсаткичлари, ўртачадан четлашиши (стандарт дисперсияси) каби кўрсаткичлари таҳдил қилинган. Шунингдек, илмий ишда танланган кўрсаткичларнинг нормал тақсимотини ҳам таҳдил қилинган.

Маълумотларнинг нормал тақсимотини текшириш учун Жак Бера коэффициентидан фойдаланилди. Таҳдиллар шуни кўрсатмоқдаки барча кўрсаткичлар нормал тақсимотга эга. Чунки, танланган барча кўрсакичлар учун ҳисбланган Жак-Бера коэффициенти ишончли ва уларнинг эҳтимоллиги 0,05 дан кичик эканлиги аниқланди.

Танланган кўрсаткичлар ёрдамида 83 та кузатув амалга оширилди. Қуйида танланган ўнта кўрсаткичнинг тасвирий статистикасини келтирамиз.

### 1-жадвал.

#### Кўрсаткичларнинг тасвирий статистикаси

	CPI	LNRLOANS	LNRL	LNRLI	RLRATE
<b>Mean</b>	0.992771	0.016382	0.014186	0.023247	0.092753
<b>Median</b>	1.000000	0.010829	0.008864	0.019619	0.090907
<b>Maximum</b>	4.100000	0.393094	0.391023	0.710052	1.804052
<b>Minimum</b>	-0.500000	-0.334477	-0.266609	-0.675032	-2.824898
<b>Std. Dev.</b>	0.771881	0.088431	0.078715	0.138975	0.823704
<b>Skewness</b>	0.657674	0.712607	1.490864	0.023761	-0.296155
<b>Kurtosis</b>	5.380658	14.56941	14.99192	20.57793	4.056798
<b>Jarque-Bera</b>	25.58363	469.9270	528.0766	1068.577	5.075637
<b>Probability</b>	0.000003	0.000000	0.000000	0.000000	0.079039
<b>Sum</b>	82.40000	1.359672	1.177457	1.929476	7.698466
<b>Sum Sq. Dev.</b>	48.85566	0.641247	0.508075	1.583759	55.63606
<b>Observations</b>	83	83	83	83	83

Кузатув натижаларига кўра, иқтисодиётдаги инфляция даражасининг ўртача кўрсаткичи 0,99 фоизга га тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич кўрилган даврда максимум 4,1 га ва минимум -0,5 фоизга тенг бўлган. Иқтисодиётдаги инфляция даражасининг стандарт дисперсияси 0,77 га тенг бўлмоқда. Қолган

кўрсаткичлар ичida стандарт дисперсияси энг юқори бўлган кўрсаткич кредит фоизларига тўғри келмоқда ва у 0,82 га тенг.

Қуйида танланган ўнта кўрсаткичнинг бир-бiri билан корреляцион боғлиқлиги таҳдил қилинган.

### 2-жадвал

#### Танланган кўрсаткичлар ўртасида корреляцион матрица

	CPI	LNRLOANS	LNRL	LNRLI	RLRATE
<b>CPI</b>	1				
<b>LNRLOANS</b>	0.0438	1			
<b>LNRL</b>	0.0517	0.9745	1		
<b>LNRLI</b>	0.0063	0.8595	0.7255	1	
<b>RLRATE</b>	-0.8277	-0.0252	-0.0166	-0.0129	1

Корреляцион таҳдиллардан кўришимиз мумкинки, иқтисодиётдаги инфляция даражаси билан катта корреляцияга банк кредитлари фоизи бўлмоқда. Яъни инфляция даражаси билан банк фоизи ўртасидаги корреляция -0,83 га тенг бўлмоқда. Бу билан айтишимиз мумкинки, банк кредитлари фоизининг ошиши ялпи талабни пасайтириш ҳисобига иқтисодиётдаги инфляция даражасининг пасайшига олиб келмоқда.

Таҳлилимизнинг кейинги босқичида векторли авторегрессия (VAR) моделидан фойдаланамиз.

Чунки, ушбу моделда биз танланган кўрсаткичларнинг бир-бирига таъсирини кузатишда "лаг"дан фойдаланимиз. VAR моделдан фойдаланишда, дастлаб танланган кўрсаткичлар асосида Augmented Dickey-Fuller Test ўтказишмиз лозим.

Ушбу Augmented Dickey-Fuller Test модели орқали кўрсаткичларни бирлик илдизга текшиrimiz ва ушбу кўрсаткичлар стационар ёки ностационар эканлиги юзасидан хуласа қилишимиз мақсадга мувофиқдир.

### 3-жадвал

#### Augmented Dickey-Fuller Test натижаси

	Кўрсаткичлар	t-Statistic	Probability	Хулоса
1	<b>CPI</b>	-5.037322	0.0001	I(0)
2	<b>LNRLLOANS</b>	-9.067652	0.0000	I(0)
3	<b>LNRLLE</b>	-8.011345	0.0000	I(0)
4	<b>LNRLI</b>	-10.30010	0.0000	I(0)
5	<b>RLRATE</b>	-4.644269	0.0003	I(0)

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, танланган кўрсаткичларни бирлик илдизда текширганимизда барча кўрсаткичлар стационар ҳолатида эканлиги аниқланди. Демак, ушбу кўрсаткичларнинг таъсирини структуравий векторли авторегрессия моделидан фойдаланишимиз мумкин экан.

#### 4-жадвал

##### VAR модели учун оптимал "лаг" танлаш (Lag Length Criteria) усули

VAR Lag Order Selection Criteria

Sample: 2016M12 2023M11

Included observations: 80

Lag	LogL	LR	FPE	AIC	SC	HQ
0	-533.5656	NA	0.484209	13.46414	13.61302	13.52383
1	-245.5615	532.8075	0.000676	6.889038	7.782298*	7.247172*
2	-213.2051	55.81485*	0.000567*	6.705127*	8.342770	7.361705
3	-201.2113	19.19001	0.000799	7.030283	9.412310	7.985306

\* indicates lag order selected by the criterion

LR: sequential modified LR test statistic (each test at 5% level)

FPE: Final prediction error

AIC: Akaike information criterion

SC: Schwarz information criterion

HQ: Hannan-Quinn information criterion

Таҳлилиминг кейинги босқичидан VAR модел учун оптимал "лаг"ни танлаб олишимиз лозим. Бунинг учун Lag Length Criteria учулидан фойдаланамиз. Таҳлил маълумотлардан кўриниб турибдики, бизнинг моделимиз учун оптимал "лаг"лар сони sequential modified LR test statistic ва Final prediction error тести

ҳамда Akaike information criterion бўйича 2 тани ташкил қилмоқда. Ammo Schwarz information criterion ҳамда Hannan-Quinn information criterion тестлари бўйича 1 тани ташкил этмоқда. Шундан келиб чиқсан ҳолда моделимиз учун лаглар сонини 2 та сифатида танлашимиз хатолик ҳисобланмайди.

#### 5-жадвал

##### Танланган кўрсаткичларнинг VAR модели

Vector Autoregression Estimates

	LNRLLOANS	LNRLLE	LNRLI	RLRATE	CPI
<b>LNRLLOANS(-1)</b>	-4.327635 (3.37203) [-1.28339]	-3.506808 (3.10152) [-1.13067]	-7.283033 (5.03949) [-1.44519]	-19.55819 (26.8104) [-0.72950]	19.68030 (25.9279) [ 0.75904]
<b>LNRLLOANS(-2)</b>	0.642988 (3.31859) [ 0.19375]	1.291225 (3.05237) [ 0.42302]	-1.683586 (4.95963) [-0.33946]	4.899327 (26.3855) [ 0.18568]	-7.377766 (25.5171) [ -0.28913]
<b>LNRLLE(-1)</b>	3.689123	2.983159	6.282171	15.68950	-15.78969

	(2.81482) [ 1.31061]	(2.58901) [ 1.15224]	(4.20674) [ 1.49336]	(22.3801) [ 0.70105]	(21.6435) [ -0.72954]
<b>LNRLE(-2)</b>	-0.657510 (2.77405) [-0.23702]	-1.148433 (2.55151) [-0.45010]	1.027057 (4.14580) [ 0.24773]	-4.833550 (22.0559) [-0.21915]	6.994596 (21.3300) [ 0.32792]
<b>LNRLI(-1)</b>	0.848101 (0.69853) [ 1.21413]	0.684032 (0.64249) [ 1.06466]	1.417322 (1.04395) [ 1.35766]	5.067953 (5.55386) [ 0.91251]	-5.117299 (5.37107) [ -0.95275]
<b>LNRLI(-2)</b>	-0.317354 (0.68572) [-0.46281]	-0.409090 (0.63071) [-0.64862]	0.073922 (1.02480) [ 0.07213]	0.013078 (5.45200) [ 0.00240]	0.439449 (5.27255) [ 0.08335]
<b>RLRATE(-1)</b>	4.84E-05 (0.06703) [ 0.00072]	0.003696 (0.06165) [ 0.05995]	-0.012053 (0.10018) [-0.12031]	0.975131 (0.53294) [ 1.82972]	0.010545 (0.51540) [ 0.02046]
<b>RLRATE(-2)</b>	-0.008436 (0.07006) [-0.12041]	-0.003287 (0.06444) [-0.05101]	-0.020331 (0.10470) [-0.19418]	-0.234037 (0.55703) [-0.42016]	-0.227625 (0.53869) [ -2.42255]
<b>CPI(-1)</b>	0.012747 (0.06908) [ 0.18452]	0.012269 (0.06354) [ 0.19309]	0.013778 (0.10324) [ 0.13346]	0.418597 (0.54925) [ 0.76213]	0.560988 (0.53117) [ 2.05614]
<b>CPI(-2)</b>	-0.008129 (0.07100) [-0.11450]	-0.103587 (0.96530) [-0.05493]	-0.117849 (0.10610) [-3.16822]	-0.057698 (0.56447) [-0.10222]	0.058753 (0.54589) [ 0.10763]
<b>C</b>	0.017881 (0.02812) [ 0.63585]	0.009553 (0.02587) [ 0.36933]	0.039320 (0.04203) [ 0.93557]	-0.368102 (0.22359) [-1.64634]	0.374014 (0.21623) [ 1.72971]

Танланган "лаг" асосида шакллантирилган VAR модел натижаларини қўйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин. Модел натижаларига қўра, иқтисодиётдаги инфляция даражасига кредитлар фоизининг таъсири сезиларли бўлмоқда. Шунингдек, инфляция даражаси ўзгаришининг аҳоли кредитларига талабига ҳам тескари таъсир қилмоқда.

## Хулоса ва таклифлар

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, танланган ўзгарувчиларнинг банкнинг масофавий хизматларидан оладиган даромадларига таъсири қўйидагича бўлмоқда:

Банк кредитлари фоизининг бир фоиз ошиши икки ойдан кейин инфляция даражасини -0,23 фоизга пасайтириши аниқланди. Ушбу таъсирни кредит фоизининг ошиши натижасида кредитларга талабнинг пасайиши ва бунинг натижасида иқтисодиётда ялпи талабнинг камайиши орқали тушунтиришимиз мумкин.

Иқтисодиётда инфляция даражасининг ошиши эса аҳолининг банк кредитларига талабини пасайтироқда. Модел натижаларига қўра, инфляция даражасининг бир фоизга ошиши икки ойлик лаг

билин жисмоний шахсларга ажратилаётган кредитларнинг -0,12 фоизга пасайишига олиб келмоқда.

Таҳдил натижаларига қўра, инфляция даражасида автокорреляция мавжудлиги аниқланди. Хусусан, бир ой олдинги инфляция даражасининг бир фоизга ошиши кейинги ойда ушбу кўрсаткични 0,56 фоизга ошириши аниқланди.

Тижорат банкларининг умумий кредитлари ҳажмининг ўзгариши ҳамда юридик шахсларга ажратилаётган кредитлар ҳажмининг ўзгариши билан инфляция даражаси ўртасидаги боғлиқлик статистик аҳамиятга эга эмаслиги ҳам аниқланди.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Galindo, A. J., & Steiner, R. (2022). Asymmetric interest rate transmission in an inflation-targeting framework: The case of Colombia. Latin American Journal of Central Banking, 3(3), 100069.
2. Rudd, J. B. (2022). Why do we think that inflation expectations matter for inflation? (and should we?). Review of Keynesian Economics, 10(1), 25-45.
3. Musarat, M. A., Alaloul, W. S., & Liew, M. S. (2021).

- Impact of inflation rate on construction projects budget: A review. *Ain Shams Engineering Journal*, 12(1), 407-414.
4. ALMANSOUR, A. Y., ALZOUBI, H. M., ALMANSOUR, B. Y., & ALMANSOUR, Y. M. (2021). The effect of inflation on performance: an empirical investigation on the banking sector in Jordan. *The Journal of Asian Finance, Economics and Business*, 8(6), 97-102.